

# Шерободлик солиқ тўловчилар томонидан 6875,7 миллион сўм солиқ тўланди



Ишбилармонлар сафининг кенгайишида солиқ қонунчилигига оид тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Айти мақсадда, солиқ инспекцияси мутахассислари томонидан жорий йилнинг январь-февраль ойларида солиқ қонунчилигига оид янгиликлар, солиқ ставкалари ва берилаётган солиқ имтиёзлари тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида 2 маротаба семинар ва учрашувлар ўтказилиб, соҳалар кесимида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Шунингдек, 2023 йилнинг январь-февраль ойлари якунига кўра:

- Солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида тумандаги 109 та корхонада норасмий ишлаб келаётган 219 нафар фуқаролар қонуний тартибда фаолият юрита бошлади. Жумладан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги 9 нафар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаридаги 99 нафар, қурилиш корхоналаридаги 72 нафар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 39 нафар фуқароларнинг фаолияти легаллаштирилиб, бюджетга 32,8 миллион сўм қўшимча маблағ йўналтирилди;
  - 50 нафар юридик шахслар ўртасида ҳамда 70 нафар жисмоний шахслар ўртасида жами 120 та кўчмас мулк ижара шартномалари тузилди;
  - 2138 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтди;
  - Туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан фаолияти ўрганилган 120 та тадбиркорлик субъектларининг 35 тасининг муаммолари ижобий ҳал этилди.
  - Туман солиқ инспекциясига жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушган 28 та мурожаатнинг 19 таси ижобий ҳал этилди. 9 та мурожаат эса кўриб чиқиш жараёнида;
  - 49 та хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 952,8 миллион сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилди. Жумладан: мол-мулк солиғидан 59,7 миллион сўм, ер солиғидан 893,1 миллион сўм миқдорида солиқ имтиёзлари қўлланилди.
- Бундан ташқари, февраль ойида Шерободлик солиқ тўловчилар томонидан жами 6875,7 миллион сўм солиқ тўланиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 730,1 миллион сўм ёки 111,9 фоизга ўсишга эришилди.

Жумладан:

- жисмоний шахслар мол-мулк солиғидан 392.0 миллион сўм ундирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37.0 миллион сўмга ёки 110,5 фоизга;
- жисмоний шахслар ер солиғидан 1598,1 миллион сўм ундирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 577,1 миллион сўмга ёки 156,5 фоизга;
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан 2877,0 миллион сўм ундирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 272,7 миллион сўмга ёки 110,5 фоизга ўсишга эришилди.

Шухрат Жумаев,

Шеробод туман солиқ инспекцияси бошлиғи